



1898 йилги Андижон кўзголони



Андижондаги Мингтепа жомесининг машхур имоми Эшон Мухаммад Собир ўгли халкнинг кўзгалишини ташкиллаштириш мақсадида икки йилдан кўпроқ таъсир кучини мустахкамлашга уринди.

Имом ёғочдан дук яшаш билан тирикчилик ўтказиши сабабли «дукчи эшон» деб ном чиқарган эди. Кўзгolon бошланишидан аввал ўртоқлари билан бирга ишончли ва фидойи 2000 дан ортиқ курашчиларни Русияга қарши кўя олишларига кўзлари етди. 1898 йил апрелидаги Курбон хайити намозида халкни Русияга қарши оёкка туришга очик-ойдин чақирди. Андижон кўзголони зафар кучган тақдирда бутун Туркистон халки уни кўллаб-қувватлашига ишончи қомил эди. Кўзгolon етакчиларидан 100 га яқин киши 13-14 май кечаси тўпланиб, Андижондаги рус гарнизонига ҳужум қилиш режасини муҳокама қилишди. Айтилиб ўтилган вақтда Маргилон ва Ўшда кўзгolon бошлаш учун ҳозирлик қўрилди. Кўзгolonчиларнинг замонавий қуроли йўқ бўлиб, таёк, ов қотиқлари ва пичоқлар билан қуролланган эдилар. 17 майдан 18 майга ўтар кечаси 1500 аскар билан рус гарнизонига ҳужум қилдилар. Қонли жанг давомида руслар қолдирилди. Эшон Мухаммад жанг қўнғига қадар ўн нафар дўсти билан ўз байроғи остида ҳужумни даф қилиб турдилар. Булар рус аскарлари шаҳид қилини керак бўлган охириги кўзгolonчилар эди. Дукчи эшон ва бошқа ҳамфиқрлари ярадор бўлиб қўлга олинди. Руслардан 22 аскар ўлди ва 19 киши ярадор бўлди. Кўзгolon бостирилган, 546 та шубҳали деб ҳисобланган киши қамалди. 1898 йил 11 июнда кўзгolon қатнашчилари устидан суд бошланиб, 12 июнда ҳукм чиқарилди: 6 нафар кўзгolon раҳбарлари билан

бирга 380 киши ўлим жазосига тортилди(Федоров, Ўрта Осиёда миллий-инкилобий ҳаракат тарихи. - Тошкент: 1925, 28-6. Исён сўнгида номи қайд қилинган йўлбошчиларни 12 июнь 1898 йили Андижон шаҳридаги майдонда дорға осдилар: Эшон Мухаммад Али Собирўгли (Дукчи Эшон), Рустамбек Сотиболдибек, Субхонкули Арабўгли, Мирза Хамдам Усмонўгли, Гойибназар Ортиқхўжа ва Боботой Гайнабойўгли.). 208 киши Сибирга сургунга жўнатилди. II Николай буйруғига биноан Мингтепа кишлогининг кули кўкка соғурилди. Кишлоқнинг номи ҳам «Русское село» деб ўзгаририлди.

Кўзголончилар келган йўлнинг ҳар икки томони - бир километр энига ўнг томони ҳам, чап томони ҳам вайрон қилинди. Кўзголондан биров вақт ўтгач, Туркистон бош волиси Духовский Андижонга келди. Андижон бўйлаб сайрида бутун халқ тиз чўкишга мажбур қилинди(Исторический вестник. - Петербург: 1907, 110 ва 977-6.). Кўзголон бостирилди, аммо рус салтанати яна бир кўзголон кўтарилишининг олдини олиш учун бутун Туркистонни даҳшатга солди. Кўзголонни бостиришдаги ваҳшийликлар ҳақидаги хабарлар, ҳақиқатан ҳам, жуда тез тарқалди. Шунинг учун Ёттисув вилояти волиси фон Таубе мусулмонларнинг янги бир кўзголови бўлиб қолишдан хавфсизлаб, 1898 йил 9 июлда Россия ҳарбий нозирига берган телеграммасида: 7000 рус фуқаросига қурол ва киши бошига 40 патрон тарқатганлигини билдиради. Андижон кўзголови Туркистондаги русларга қарши озодлик ҳаракатида муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки бу кўзголон Туркистонда ҳамон озодлик оғзуни яшаётганидан дарак беради(Sarkisyan, Geschichte der Orientalischen Völker, 1961, 212-6.). Бу кўзголон ҳақида Совет Россияси тарихчилари ҳам кўп ёзди. 1950 йилгача бу кўзголон миллий озодлик ҳаракатининг бир босқичи сифатида баҳоланар эди, аммо кейин бу «гайримиллий ва реакцион ҳаракат деб баҳоланди(Кўзголон ҳақида қуйидаги асарлардан ҳам маълумот олишимиз мумкин: В.П. Салихов, Андижанское восстание. - Казань: 1901; Федоров. Ўрта Осиёда (бу асарда Дукчи Эшон сурати ҳам бор); УТ. 1931, № 20. В.И. Непомнин, Андижон кўзголови «Коммунист» - Тошкент: 1939, № 8. История народов Узбекистана, 11, 362 - 370 б. 1952, №82, 24-26 б. 89-90; Сайдаметов Д. ва Шляпников Н., Озодлик курашининг ёрқин саҳифаси, «Шарқ юлдузи». - Тошкент: 1968, № 7, 169 - 177 б. Б. Хайит, Андижон кўзголови. МТ, 1968, № 125, 10 - 13 б. 1963, №11, 10 - 13 б, 104-6.; XI V, 1966, №2, 139 - 150 б.; Фозилбек Отабеков, Андижон эшонининг 1898 йилдаги исёни. - Тошкент-Самарканд: 1927, 88 саҳифадан иборат.). 1898 йилдаги Андижон кўзголови миллий озодлик курашининг XIX юзйилликдаги сўнгги кўриниши эди. Туркистондаги миллий ҳаракат XIX асрнинг охирида маънавий ҳаётда ҳам намоён бўла бошлади. Бу ҳаракат Туркистон билан Россия орасидаги кейинги қурашлар учун тамал тоши моҳиятига эга эди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" китобидан